

Иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялашда инвестициялардан фойдаланишинг самарали йўллари

*Норқобилов Н.Н (ТерДУ)
nusrat.1977@mail.ru.*

Аннотация

Мақолада хорижий инвестицияларни жалб қилиши иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялашда инвестициялардан фойдаланишинг самарали йўлларидан фойдаланиши масалалари кўрилган.

В статье рассмотрены вопросы совершенствования механизма формирования и реализации политики в области научно-технической и инновационной деятельности в условиях привлечения иностранных инвестиций в регион.

The article discusses the issues of improving the mechanism of formation and implementation of policy in the field of science ,technology and in conditions of attracting foreign investment to the region.

Калим сўзлар: Инвестиция дастури, иқтисодиётни модернизациялаш, диверсификация, инвестиция жараёнини фаоллаштириш, ҳудудий инвестицион сиёсатни шакллантириш.

Иқтисодий мустақилликка эришиш ва иқтисодиётни ривожлантиришнинг бозор йўлини танланиши иқтисодиётда туб таркибий ўзгаришларни амалга оширишни талаб қиласди. Бунинг учун ўз навбатида катта миқдорда моддий, молиявий, интеллектуал ресурслар манбаларини излаш, шакллантириш ва умуман мамлакатимизда инвестицион фаолликни оширишни тақозо этади.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда ушбу жараённи ривожлантиришга қаратилган қатор муҳим чора-тадбирлар мунтазам амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, 2016 йилда Инвестиция дастурини амалга ошириш доирасида мамлакатимизда 16,6 миллиард АҚШ доллари миқдорида ёки 2015 йилдагига нисбатан 9,6 фоиз кўп инвестициялар йўналтирилди. Ўзлаштирилган инвестициялар ва кредитлар ҳажми 11,3 фоизга ўсди ва 3,7 миллиард доллардан ошиб кетди. Умумий қиймати 5,2 миллиард

доллар бўлган 164 та йирик инвестициявий лойиҳасини амалга ошириш якунланди. Шундан қишлоқ хўжалигини модернизация ва диверсификациялаш бўйича амалга оширилаётган дастурий чоратадбирлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш хажмларининг 6,6 фоиз, жумладан, мева-сабзавот-11,2 фоиз, картошка-9,7 фоиз, сабзавот маҳсулотлари етиштириш 10,4 фоиз ўсишини таъминлади.¹

Инвестиция дастурларини молиялаштириш имкониятлари марказлашган манбаларнинг чегараланганилиги учун капитал маблағлардан фойдаланиш йўналишига жиддий таъсир кўрсатмоқда.

Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида хўжалик субъектлари тараққиёти ҳолати, аҳамияти ва истиқболлари молиявий ресурсларни жалб этиш хусусиятлари, молиялаштириш шакллари ва услубларини, молиявий режалаштириш ва прогнозлар тузишни, корхона молияий фаолияти ва инвестицион жараён таҳлилини ўрганиш билан боғлиқ қатор янги муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шу сабабли ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар инвестиция фаолиятига янгича ёндашишни тақозо этмоқда. Фикримизча, бундай ёндашув қуйидаги қоидалардан келиб чиқиши лозим:

- инвестиция ресурсларини иқтисодий тараққиётнинг устувор соҳалари, саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш материаллари, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарга йўналтириш;
- инвестиция жараёнига корхоналар, ташкилотлар, аҳоли жамғармаларини тўлароқ жалб этиш ва ундан республиканинг иқтисодий-ижтимоий муаммоларини ҳал қилишда максимал фойдаланиш;

¹ Мирзиёев Ш.М. “Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якупнлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи газетаси 2017 йил. 16 январь №5.

- мамлакатимиздаги бозор ахборот хизматини ривожлантириш, маркетинг хизмати фаолиятини ва ташқи иқтисодий қонунчиликни фаоллаштириш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг меърий асосларини яратиш;
- ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида маблағлар етишмовчилигини ҳисобга олиб, нодавлат инвестиция манбаларини топиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқ бўлади;
- мамлакатимизнинг барча ҳудудларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган холда ҳудудий инвестицион сиёсатни шакллантириш;
- чет эл капиталининг кириб келиши учун қулай инвестиция муҳитини яратиш. Бунда мавжуд бўш турган ишлаб чиқариш майдонлари, меҳнат ва табиий ресурслардан фойдаланиш, иқтисодиётнинг модернизация қилинган, техник ва технологик қайта жиҳозланган корхоналарида ёки янгидан ташкил этилган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда ташқи бозорларга экспорт қилиш учун юқори қийматли, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш қувватини таъминлаш жиҳатларга эътибор қаратиш лозим.

Инвестиция фаолияти ривожи учун унга таъсир этувчи омилларни илмий таҳлил қилиш лозим. Ушбу таҳлил натижалари маблағлар йўналишининг энг мақбул усулини танлаш ва келажакда ҳар бир ҳудудга мос келадиган инвестиция сиёсатини белгилаш имкониятини беради.

Иқтисодий ўсишга эришишда нафақат инвестиция ҳажмини кўпайтириш, балки улар йўналишлари ва тузилмаларини тўғри танлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Инвестициялаш учун шундай ишлаб чиқариш турлари ва корхоналарни танлаш лозимки, улар тезда ўзини қоплаб, юқори даражада иқтисодий ва технологик самара бера олишлари керак.

Инвестиция фаолиятини самарали ташкил қилишда ҳали ҳал қилиниши зарур бўлган қатор вазифалар борки, улар мавжуд қонун ва меъёрий хужжатлардан тўғри фойдаланадиган, ва умуман инвестициялардан самарали фойдаланиш бўйича кадрларни тайёрлаш улар малакасини мунтазам оширишни талаб қилмоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, фақатгина жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук, замонавий билимга, ўз фикр ва қарашларига эга бўлган, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган янги авлодимизни камол топтириш – биз кўзлаган обод ва фаровон ҳаёт барпо этишнинг асосий гарови ва айтиш мумкинки, ҳал қилувчи шарти бўлиб майдонга чиқмоқда.

Шу боис ҳам мазкур соҳа учун малакали кадрларни тайёрлашни тубдан яхшилаш ва сифатини яхшилаш, уларда инвестицион лойҳалар тайёрлаш, уни таҳлил қилиш бўйича билим ва кўнимкамаларни шакллантириш. Шунингдек зарур дарсликлар, ўкув-услубий қўлланмаларни кўпайтириш ҳозирги куннинг долзарб вазифалардан биридир.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. “Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи газетаси 2017 йил. 16 январь №5.
2. McConnell, Campbell R. Economics : principles, problems, and policies 17th ed. 2008 page 411
- 3.Просветов Г.И. Стратегия предприятия.Учеб.практическое пособ.- М:Альфа-Пресс, 2010-184с.